

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 211

Коровулбозор шахри

«11» октябр 2022 йил

“**OLTIN TOLA-ZAMINI**” хусусий корхонаси кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбар А.Раҳмонов бир томондан ва **Коровулбозор Саноат ва транспорт коллежи** кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар У. Расулов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|-----------------------|---------------|------|--------|-------------------|
| 1 | Тушак жамламаси | комплект | 100 | 109500 | 10.950.000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | Жами | | | | 10.950.000 |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» декабр 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Шартнома умумий суммаси **10 950 000 (Ун миллион туккиз юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **3.285.000** сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **7.665.000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўпланда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
- 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафола муддатларини тақдим этади.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридида неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдоридида жарима тўлайди:
- 5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдоридида жарима тўлайди:
- 5.5. Товар хақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 11 октябрдан 31 декабр 2022 йилгача амалда булади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ва Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850 сон билан рўйхатдан ўтган Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириди ва 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибидида ҳал қилинади.
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«Сотувчи»

«Харидор»

«OLTIN TOLA-ZAMINI» хусусий корхонаси

Коровулбозор Саноат транспорт коллежи

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Гиждувон ш

Тел./факс 997086797

х/в 20208000904384108001

Банк номи Миллиб банк Гиждувон фил

МФО: 00849 СТИР: 205344963

ОКОНХ -

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Коровулбозор ш

Тел/факс: 364-15-43

ш/хв 100010860062327092901079001

СТИРи: 203751894

ОКОНХ : 92120

Газначилик бўлини маси номи: Молия

Вазирлиги

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк тошкент шаҳри

МФО: 00014

Газначилик бўлини маси СТИРи 201122919

Раҳбар: У. Расуллов

Олтин Тола Замини ЧР

раҳбари:

А. Рахмонов

(Ф.И.Ш)

(Ф.И.Ш)

Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

В.В.В. *Д. Ҳурбасов*